



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (13.027)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнаткашларини галла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этганингиз билан самимий муқаббат деб эътибор билан катта шараф деб биламан.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва олижаноб ишга бағишлаган сиздек фидойи инсонларнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатингиз ҳисобидан жорий мавсумда 7 миллион 300 минг тонна галла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришга, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга эришганимиз ҳаммамизга катта хурсандчилик етказди.

Бугунги мана шундай қувончли кунда 2015 йилнинг биз учун ҳар томонлама ҳосиятли ва омадли келгани, йўлимизни ўзи очиб бераётгани учун аввало Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамиз – деҳқончиликда осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги мавсум ҳам турли ташвишлардан холи бўлмагани, айниқса, март ойида қутилмаганда қор ёғиши, қаттиқ совуқлар, ёз ойларида ҳаво ҳарорати илгари ҳеч қачон қузатилмаган даражада юқори бўлиб, айрим ҳудудларда 45 даражагача етгани катта қийинчилик ва муаммолар туғдириб, қишлоқ меҳнаткашларининг иродасини яна бир бор жиддий синовдан ўтказган барчамизга маълум.

Кўпни кўрган, азму шижоатли ва матонатли деҳқонларимиз ана шундай қийинчиликларни мардона енгиб, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар туп экин атрофида парвона бўлиб, мўл ҳосил етиштиришга эришгани, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган бу йилги мавсумнинг юксак натижалари ҳақида гапирар эканмиз, бунинг замирида авваламбор чуқур ўйланган, узқичи қўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар, аграр соҳа ривожини замонавий босқичга кўтариш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган стратегик йўлимиз мужассам эканини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати қишлоқларимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, уларнинг келажака ишончи янада мустаҳкам бўлиб бораётгани – буларнинг барчаси нафақат қишлоқ ҳўжалигини, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда.

Барчамизга аёнки, бошқа соҳаларга қараганда ўзининг гоёт нозиклиги, кўп меҳнат, катта билим ва тажриба талаб қилиши билан ажралиб турадиган пахтачиликда юксак натижаларни қўлга киритиш осон эмас.

Бу ҳақда гапирганда, йил давомида қишлоқ меҳнаткашларининг ишни тўғри ташкил этиб, юксак сафарбарлик ва ушшоқчилик билан белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилгани, моддий-техник таъминот, барча агротехник тадбирларни, хусусан, чеканка ва дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида қайд этиш зарур. Энг муҳими, етиштирилган пахта ҳосили гоёт қисқа муддатларда – 35-40 иш кунида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юқори сортларга топширилгани камдан-кам учрайдиган ҳодиса, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугунги хурсандчилик кунда шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, барча вилоятларимизнинг пахтакорлари мамлакатимизнинг юксак хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшганини мамнуният билан эътироф этаймиз.

Шу борада Амударё, Қораўзақ, Пахтаобод, Булоқбози, Олот, Ромитан, Дўстлик, Миришкор, Касби, Қизилтепа, Мингбулоқ, Наманган, Каттакўрғон, Оқдарё, Сирдарё, Бўжа, Юқоричирчик, Бешарик, Ёзёвон, Тошлоқ, Хива, Янгибўри, Қўшқўпри туманлари 20-25 иш куниде режани адо этиб, қўлчиликка ўрناق ва намуна бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айниқса, Эллиқалъа туманидаги "Рўзимбой бобо", Пахтаобод туманидаги "Олтин", Қорақўл туманидаги

"Ҳосилдор", Мирзачўл туманидаги "Бахтиёр Асад ўғли", Қарши туманидаги "Нукрабод", Миришкор туманидаги "Камалак", Навбахор туманидаги "Янги ер", Мингбулоқ туманидаги "Барака", Каттакўрғон туманидаги "Ҳосил", Оқдарё туманидаги "Тоғмахал Зарафшон", Қумқўрғон туманидаги "Саодат", Сайхунбод туманидаги "Қоратой Мирзаев", Юқоричирчик туманидаги "Тангриберди ота", Олтиариқ туманидаги "Нурли обод", Қува туманидаги "Олтин диёр, оқ олтин", Янгибозор туманидаги "Бегиобод Бўзқалъа", Хазорасп туманидаги "Ғафур Рухия" сингари фермер ҳўжаликлари гектардан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда қўлга киритган ютуқларимиз, мавсумни ёруғ юз билан яқунлаётганимиз тўғрисида гапирганда, албатта галлачилик ҳақида сўз юритишимиз табиийдир. Бу тармоқда юртимизда мисли қўрилмаган улкан хирмон бунёд этган, барчамизнинг ризку насибамиз, нонимизни бутун қиладиган деҳқон ва фермерларимиз, соҳа мутахассисларининг мардона меҳнатига қойил қилиб, уларга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Мамлакатимиз бўйича галла ҳосилдорлиги ўртача 53 центнерга етгани, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 71 центнер, Бухоро вилоятида 60 центнер, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида 57 центнерни, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 56 центнер, Фарғона вилоятида 55 центнер, Тошкент вилоятида 52 центнерни ташкил этгани, кўпгина туманларда бу рақам 60-77 центнердан зиёд бўлгани, ҳеч шубҳасиз, қишлоқ ҳўжалигимиз тарихидаги улкан натижадир.

Фермерлик ҳаракати имкониятларидан самарали фойдаланган Ўққўприқ туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Олтиариқ туманидаги "Хайрулла Баҳром Бойматов", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", Ромитан туманидаги "Файз-2000", Қизилтепа туманидаги "Нарғиз диёр", Хатирчи туманидаги "Турсунов Камолитдин", Термиз туманидаги "Сурхон Сарвари", Хужайли туманидаги "Одилбек", Бухоро туманидаги "Ислом Нарзи Обод", Олот туманидаги "Жумағелди", Яққабғ туманидаги "Улаш ҳожи Жалил ўғли", Навбахор туманидаги "Арслон бобо", Ўққўрғон туманидаги "Ўққўрғон элита сервис", Пайариқ туманидаги "Ҳазрат полвон Ўсмонов", Денов туманидаги "Исмоилова Мавлуда Фуломовна" каби ўнлаб, юзлаб фермер ҳўжаликлари 85-95, ҳатто 100 центнердан ҳам юқори ҳосил олгани ўзбек деҳқонлари қандай буюк ишларга қодир эканининг яна бир амалий намоёнидир.

Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишда четдан қимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига дон олиб келадиган, ҳатто бир ҳафта-ун кунга етадиган ун захираси қолган оғир кунларни бошидан кечирган Ўзбекистон бугунги кунда 31,5 миллиондан зиёд аҳолисини нафақат галла билан таъминлаётган, керак бўлса, уни экспорт қилаётган мамлакатга айланган барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу йил етиштирилган галла ҳосилининг 57 фоиздан кўпроги, яъни 4 миллион 210 минг тоннадан ортиқ фермер ҳўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилганини қишлоқ аҳолининг оморлари донга, хонадонлари қут-барақага тўлаётгани, моддий манфаатдорлиги ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Ана шундай улкан, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган марраларни эгаллашда кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар ернинг мелориатив ҳолатини яхшилашга эришганимиз, таъбир жоиз бўлса, ернинг дардида маҳкам қўйганимиз мустаҳкам замин бўлди.

Бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган бундай ишларимизнинг самарасини кейинги икки йилда пахта ва галла бўйича ҳосилдорлик гектарыга ўртача 2-5 центнерга ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу йил ёз ойларида, ҳаво гоёт иссиқ келган бир шароитда авваламбор ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонларимизнинг маҳорати, маҳаллий ўғитни ўз вақтида бериш, ҳар томчи сувдан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш каби агротехник тадбирлар ҳосил тақдирини ҳал қилишда етакчи ўрин эгаллади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, серҳосил ва эрталишар, турли касалликларга чидамли ўза навларини яратиш ва районлаштириш бўйича муҳим натижаларга эришаётган селектионер олимларимизнинг бу ютуқларда муносиб

хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Бугунги замонавий агротехнологияларни пухта ўзлаштирган, ер билан тиллашиб яшайдиган, турли зараркунанда ва касалликларнинг олдини олишда маҳорат кўрсатган агроном ва мутахассислар ҳақида гапирганда, ана шундай кенг қамровли ишларни бошқарган, масъулиятни ўз зиммасига олиб, барча муаммо ва жумбоқларни оқилона ҳал қилган фермерларимизни ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги юксак марраларга етишда бекиёс ҳисса қўшган, уй-рўзгор юмушлари билан бирга дала ишларида фаол иштирок этиб келаётган муҳтарам аёлларимиз, опа-сингилларимизга яна бир бор ўзимнинг юксак эътиромим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Жорий йилда қўлга киритган марра ва ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг негизда етган омилларни аввало ерга меҳрини аямасдан бераётган, таъбир жоиз бўлса, тупроқдан олтин ундириб яшаётган деҳқон ва фермерларимизнинг юксалиб бораётган дунёқарши, меҳнатга муносабати, қисқа қилиб айтганда, қишлоқ аҳолининг ҳаёт фалсафаси тубдан ўзгараётганида кўришимиз даркор, деб ўйлайман.

Мен жойларда бўлиб, дала меҳнаткашлари билан суҳбатлашганимда, бу одамлар нафақат ўз соҳаси, балки бутун юртимиз тақдири, ёшларимиз келажаги ҳақида қандай тўлқинланиб, катта ишонч ва гурур билан гапирishi, дунёдаги турли воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб яшаётганига гувоҳ бўлганимда амалга ошираётган ислохотларимизнинг энг муҳим натижасини кўргандек бўлам.

Бугунги кунда мўл ҳосил етиштириб, дўкон ва бозорларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тўлдириб, нарх-навоинг барқарорлигини, юртимиздаги тинчлик-ҳотиржамлиқни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерлар ҳаётимизнинг таянч устунлари, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу ўринда қалбимдан чуқур жой олган бир фикрни тақдорлаб айтишни зарур деб биламан: дунёда ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни топишнинг ўзи қийин ва бу ҳақиқатни сиз, азизларнинг бу йилги бекиёс ютуқларингиз яна бир бор исботлаб турибди. Том маънодаги жасорат ва қаҳрамонлик намунаси бўлган олижаноб меҳнатингиз учун сиз, азизларга ўз номиндан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар!

Бугунги қувончли айёмда эришган натижаларимизни баҳолар эканмиз, айни пайтда келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари самарадорлигини янада ошириш ҳақида ўйлашимиз табиийдир.

Албатта, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи аграр соҳа олдига ҳам янги-янги вазифалар қўяётганини, биз етиштирадиган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳар томонлама рақобатдош ва харидор-гир бўлиши зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу мақсадда қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ҳамда фермерлар кенгашларининг иш самарасини кучайтириш, янги авлод фермерларини тарбиялаш, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли пахта ва галла навларини яратиш, интенсив боғларни, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини қўлайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва энергия ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим!

Мана шу шукҳули айёмда сизларни, сизларнинг тим-соланингизда бутун халқимизни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, барчангизга дилимдаги энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Халол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, элу юртимиздан тинчлик-осойишталик ҳеч қачон аримасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганининг ўзи доимо паноҳида ас-расин!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



● Мамлакатимизда интернетда туроператорлар ва меҳмонхоналар ўртасида маълумот алмашиш учун мўлжалланган Hotelios хизмати ишга туширилди. Бу хизмат МДҲда ягона бўлиб, аналогларига эга эмас. Hotelios маълумотлар базаси ёрдамида сайёҳлик фирмалари ходимлари меҳмонхоналарда бўш хоналар борлиги ва хоналарнинг нархи ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади. Бу лойиҳа Тошкентда бўлиб ўтган "Ипак йўлидаги туризм-2015" халқаро сайёҳлик ярмаркасида намоиш қилинди.

● Адлия вазирлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасига электрон технологияларни жорий қилиш мақсадида тадбиркорликни ҳимоя қилишнинг онлайн тизимини яратди. Ушбу тизимдан фойдаланиш учун рақамли имзо ёрдамида etk.minjust.uz сайтига кириш талаб қилинади.

● Қарши шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми" лойиҳаси доирасида "Мамлакатимизда янада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш — иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг муҳим омили" мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

● Самарқандда ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, уларни ватанпарварлик ва миллий истиклол гоъяларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида фахрийлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетиде мазкур тарғибот гуруҳлари аъзолари учун ўқув семинари бўлиб ўтди.



● Нью-Йорк шаҳри ҳукумати 12 йил давом этган судлашишлардан сўнг тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Америкадаги йирик компаниялар билан имзоланган шартномага мувофиқ, 550 млн. доллар микдорида маблағ қабул қилиб оладиган бўлди. Барча маблағлар чекиш келтириб чиқарган касалликларга чалинган фуқароларни даволаш мақсадларига сарфланади.

● Жаҳон банки янги тайёрланган шарҳида нефть, рангли металллар, қишлоқ ҳўжалиги ва ўғитлар нархи 2015 ва 2016 йилларда тушиб кетишини башорат қилди. Ҳисоботда таъкидланишича, Brent, Dubai ва WTI русумидаги нефтнинг бир баррели 2015 йили 52 долларни, 2016 йили 51 долларни ташкил қилиб, бу июль прогнозида 5 ва 9,8 фоизга пастдир. Шунингдек, нознергетик ресурсларнинг номинал нархлари 2015 йили 14 фоизга тушиб, 2016 йили 1,2 фоизга ўсиши қутилмоқда.

● Швейцар соатлари экспорти кучли франк ҳамда Хитой ва Гонконгда кузатилаётган ҳамда Осиё минтақасининг бошқа давлатларига тарқалаётган талабнинг пасайиши туфайли 2009 йилдан бери рекорд даражадаги чораклик пасайишини намоён қилмоқда. 3-чорак ақунларига кўра швейцар соатларининг экспорти 7,2 фоизга, 2015 йилнинг дастлабки 9 ойи бўйича эса 2 фоизга қисқариб кетди ва 16,5 млрд. долларни ташкил қилди.

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Бу йилги мавсумда мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари галла, пахта етиштириш, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.

Муносиб меҳнат қилган деҳқоннинг сурурли дамлари ҳам кўп бўлади. Қадаган уруғи заминдан бош кўтарганда бир қувонса, ҳосил баракасини кўриб севинчи янада ортади. Ҳар йил, ҳар мавсум деҳқонни қайта-қайта синовдан ўтказди. Ризқ-рўзимиз бўлган экинларни ўстириш, уларни табиий офат ва об-ҳаво инжиқликларидан асраш, пишиб етилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш,

истеъмолчиларга етказиб бериш – буларнинг бари катта сабот ва тадбиркорликни талаб этади.

Деҳқон йил бўйи тиним билмай меҳнат қилади. Экинни ардоқлаб, вақтида сугориб, вақтида озигини бериб парваришлайди. Улкан хирмон завқи кўнгилларга олам-олам қувонч бахш этади. Чунки бу хирмон халқ насибаси бутунлигига, юрт ободлигига ва фаровонлигига янада юксалишига хизмат

қилади. Шу боис бу қувончга эл-юрт бирдек шерик бўлади.

Бу йил мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна галла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта хирмони яратилди. Ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фермерларга яратилаётган имкониятлар муваффақиятларимизнинг асосий омил бўлмоқда, – дейди Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер ҳўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев. – Жорий йилда 228 тоннадан зиёд "оқ олтин" етиштирдик. Самарали меҳнатимиздан юзимиш ёруғ, ҳаётимиз фаровон бўлмоқда. Мавсум охирига қадр ҳосилдорлиқни гектаридан 50 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилаётимиз.

(Давоми 2-бетда)



МУСТАҚИЛЛИК – бу ҳуқуқ, айнан инсон ҳуқуқларининг рўёби, фуқаролар манфаатлари ҳимоясининг олий кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганига 24 йилдан ошди. Мамлакатимиз ўтган шу давр ичида асрларга арзиғулик йўлини босиб ўтди десак муболаға бўлмайди. Бугунги ютуқларимиз — мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб қабул қилинган қарор ва фармонлар, ҳуқуқимиз томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ижроси натижасидир. Юртимиздаги тинчлик, амалга оширилган кенг кўламли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигининг йил сайин ортиб бораётгани, ёшларимизнинг баркамол вояга етишлари учун яратилган имкониятлар, ҳудудларимизнинг кундан кунга кўркамлашиб, обод бўлиб бораётгани, шубҳасиз мустақиллик — ҳуррият тўғрисида, юртбошимизнинг олиб бораётган одил, халқларвар сиёсати самарасидир.

Мустақиллиكنинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига олий қадрат сифатида қаралди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган давлатимиз Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидалари мустаҳкамлаб қўйилиши эса Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда эзгу мақсаднинг конституциявий пойдевори бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди. Жамиятда қонун устуворлиги ва унга ҳеч истисносиз барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қатъий риоя этиши принциплари қарор топтириш; аҳолининг фуқаролик ташаббусларини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш; шунингдек, шахс ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш ва уни муҳофаза қилиш — мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзаги ва биринчи навбатдаги вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштиришга, "қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" принципининг босқимча-босқич рўёбга чиқарилишини таъминлашга, қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг ҳуқуқат ва ижро этувчи органлари фаолияти устидан назорат қилишга доир

вазифаларини қучайтиришга, шунингдек, ҳуқуқнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун жавобгарлигини қучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамлаб

ўтган давр мобайнида 2814 дан ортиқ фуқароларнинг мурожаатлари қўриб чиқилди.

Минтақавий вакиллик фаолиятининг асосий қисмини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида тушган турли мазмундаги мурожаатларини ҳолисона қўриб чиқиш, тегишли чораларни белгилаш, тасвир, тушунтириш ва маслаҳатлар бериш, зарур ҳолатларда фуқароларнинг маълум бир муаммолари бўйича олиб борилаётган суд жараёнида кузатувчи вакил сифатида иштирок этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича кенг жамоатчилик ўртада ахборот ва тарғибот ишларини олиб бориш, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари муҳофазасига бағишланган тушунтириш ишларини ташкил этиш, вакиллик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш ва бошқалар ташкил этади.

МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

қўйилиши ҳам сиёсий ҳуқуқларнинг таъминланганлигида муҳим янгилик бўлди.

1995 йил Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ташкил этилди. Луғатимизда "Омбудсман" атамаси пайдо бўлди. Ушбу институтнинг ташкил этилиши мустақиллигимизнинг энг қадрли махсулларида бири бўлди, десак хато қилмаймиз.

2004 йил 27 августда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида" қонун қабул қилинди. Омбудсман Ўзбекистонда анча кенг ҳуқуқий мақомага эга. Унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахс ўзаро алоқаларининг энг муҳим соҳаларини, тарбиявий ва маърифий вазифаларини қамраб олади. Қонунчилик, ҳолислик, демократия, тенглик Вакил фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади.

Омбудсман инсон ҳуқуқларига амал қилишни адолат, виждонлилик нуктаи назардан назорат қилиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган маълум бир ташкилот устидан тушган шикоятларни қабул қилувчи ва қўриб қичувчи мустақил, бегараз учинчи томон сифатида ўз ишларини олиб боради.

Мана, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллик фаолият юри-таётганига ҳам 11 йилдан ошди. Шу

2015 йилнинг тўққиз ойи давомида минтақавий Вакил номига фуқаролардан жами 174 та мурожаат келиб тушди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги 51 та мурожаат минтақавий вакиллик томонидан назорат остига олинди, афрочлика ва пухта ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Минтақавий Вакил қабулида бўлган 122 нафар фуқарога муаммоси бўйича йўналиш берувчи тасвир ва маслаҳатлар, шунингдек, қайси орган ёки ташкилотга мурожаат қилиши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Ақсарият ҳолларда, мунозарали мурожаатларнинг ариза муаллифлари ҳамда ишга алоқадор юридик шахслар минтақавий Вакил қабулига таклиф этилиб, масалалар ойдинлик киритиш мақсадида улар билан афрочлика ва батафсил суҳбатлашилмоқда. Ўрганиш ҳулосаларидан келиб чиқиб, тегишли чоралар белгиланмоқда.

Шунингдек, жамиятимизда ҳамиша ҳурмат ва эътиборда бўлган ёши улуг инсонларга Кексаларни эъзозлаш йилида ғамхўрликни янада қучайтириш, эҳтиром, меҳроқибат кўрсатиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/3-даха, 40-уй, 28-хонадонда яшовчи фуқаро З.Максимишани "Саришта коммуналчи" ХУЖМШ фаолиятидан ҳамда белгиланган 566.300 сўмлик дебиторлик қарздорлиқдан норози бўлиб мурожаат қилди.

Аризачи 2015 йил 11 мартда минтақавий Вакил қабулига суҳбатга таклиф этилиб, шикоят батафсил эшитилди. Ариза устида иш-лаш натижасида З.Максимишанининг "Саришта коммуналчи" ширкатидан 566.300 сўм дебиторлик қарздорлиги Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан чегириб берилди, аризачи хонадонининг том қисми режадан ташқари ширкат ҳисобидан таъмирланди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-даха, 45-уй, 29-хонадонда яшовчи фуқаро А.Бабенко ёлғиз яшовчи нафақахўр сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги тўғрисида мурожаат қилди. Ариза хати устида ишлаш жараёнида, А.Бабенконинг яшаш шароитлари тегишли мутахассислар томонидан ҳойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.1991й. УП- № 212 сонли буйруғи асосида Чилонзор тумани ҳокимининг 2015 йил 4 февралдаги 50-сонли қарори билан А.Бабенко ижтимоий ҳимояга муҳтож яқна-ёлғиз пенсионерлар рўйхатига киритилди. Ҳозирги кунда А.Бабенко тегишли имтиёзлар билан таъминланмоқда.

Фуқароларнинг шикоят ва мурожаатлари инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ҳамда муайян даражада жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий аҳолини баҳолашда муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Уларнинг мурожаатлари орқали инсонларнинг фикри ва қайфиятини, давлат ҳокимияти органларининг ўз вазифаларини қай даражада амалга ошираётганлигини аниқлаш мумкин. Фуқаролар шикоятларининг кўринишлари — жамиятда мавжуд муаммоларни, давлат органлари ишидаги камчиликларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш имконини беради.

Фуқароларнинг шикоят ва мурожаатларини қўриб чиқиш нафақат мансабдор шахсини хизмат мажбурияти, балки уларнинг конституциявий бурчи ҳамдир. Шу мажбуриятини бажаришга кўра мансабдор шахсининг сиёсий саводхонлиги, билимдонлиги, умумий ва ҳуқуқий маданиятига баҳо бериш мумкин.

Омбудсман чинакам халқлик тизим сифатида фуқароларнинг мурожаатларига эътибор бериш маданиятини шакллантирмоқда, давлат органлари ишидаги камчиликларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш имконини беради.

Шомурод МУҲАМЕДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари
бўйича Вакили (Омбудсман)нинг
Тошкент шаҳар минтақавий Вакили

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада қучайтиришда банк-молия муассасаларининг ўрни ва роли" мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари, қатор тижорат банклари мутахассислари, электротар вакиллари ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсلى ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларига қўллаб-қувватлаш ва энгилликларни яратилаётгани, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояси мустаҳкамлангани, ўз навбатида бу мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Мамлакатимизда банк-молия муассасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш борасида бир қатор ишлар олиб борилаётди. Тадбиркорларга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилиб, сифатли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Семинар доирасида иштирокчиларга тадбиркорлик лойиҳаларини банк томонидан молиялаштириш, кредитни расмийлаштириш шартлари ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Партия томонидан амалга оширилаётган "Мулкдор оила", "Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оиллага", "Диплом билан бизнесга" каби лойиҳалар орқали аҳоли, ай-

ниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш масалалари қўриб чиқилди. Айтиш жоизки, ушбу лойиҳалар доирасида 20 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилда партиявий лойиҳалар иштирокчиларига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун тижорат банклари томонидан 2014 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўп кредит маблағлари ажратилди.


Партиявий лойиҳаларимизда асосан ёшлар кўпроқ иштирок этмоқда ва улар ишлаб чиқаришга янги инновацион гоялари орқали ёндашмоқда, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ходими Хамид Камолов. — Ушбу лойиҳалардан алоҳида эътиборга сазовори "Диплом билан бизнесга" лойиҳасидир. Бунда ёшларимиз ўз гоялари билан имтиёзли кредитлар олмақдалар ва бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринларини ташкил этишмоқда.

Тадбирда банкларнинг тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти, партиянинг сайловли Дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ва банк-молия муассасаларининг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган ҳамкорлигини янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

Семинар давомида иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Абдували СОДИҚОВ

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!



(Давоми. Боши 1-бетда)


Бу йил мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилининг 90 фоизи юқори навларга топширилди. Албатта, бу сўнгги натижа эмас. Бу кўрсаткич янада ошиб бориши учун юртимизда етарли шароит яратилган. Ўзга парварошига алоҳида эътибор қаратилиб, сугориш, культивация, чеканка қилиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, дефолиация каби агротехник тадбирлар ўз вақтида ташкил этилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Дехқончиликда бир кун оилаларга татийди, — дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги "Саодат" фермер хўжалиги раҳбари Саидхон Умидиллаев. — Бир неча йилдан буён галла ва пахта етиштириб, бу гаплар замирида катта ҳаётий тажриба муассам эканини англаб етдим. Дехқончиликда ҳар бир юмуш вақтида амалга оширилмас, таъсири кеч кузда — галви сувдан кўтаришдан паллада аён бўлади. Шу боис экинлар парвариши даврида агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш. Бу жараёнда минерал ўғит, ёниги етказиб бериш шохобчалари бизга кўмакдош бўлиб, МТПлар оғиримизни енгил қилади. Шартномавий режани ортиги билан баҳардик.

Ҳосил сифати ва салмоғи ўзанинг навиға ҳам боғлиқ. Селекционер олимларимиз яратётган ингичка ва ўрта толали ўзга навлари тезпишарлиги, тола сифатининг юқорилиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан миришқорларимиз эътиборини тортмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан фермерларга кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларни янги марраларни эгаллашда кўмак бўлмоқда.

Қўлга киритилган муваффақиятларда экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшилангани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим омил бўлмоқда. Қарорга мувофиқ қабул қилинган давлат дастури асосида мелиорация объектиларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш, томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш, сув хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда. 2013-2014 йилларда 560 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, қучи ва ўрта шўрланган ер майдонлари 71,3 минг гектарга қисқарди. 374,1 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати барқарорлиги сақлаб қолинди.



(ЎЗА)

ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Латвия Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий ривожланиш вазири Киспарс Герхардс билан учрашув бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида экологик тоза технологиялар бўйича халқаро семинар ҳам ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Абдусаматов Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил октябрда Латвия Республикасига давлат ташрифи чоғида асос солинган икки мамлакат табиати муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик самарали давом этаётганини таъкидлади.

Мазкур ташриф доирасида имзоланган ҳукуматлараро битимни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Латвия Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий ривожланиш вазири ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги дастур ишлаб чиқилди ва жорий йил апрель ойида имзоланди. Латвия делегациясининг тоза экологик технологиялар соҳасида тажриба алмашиш ва ушбу йўналишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича мамлакатимизга бу галги ташрифи икки давлат ўртасидаги келишувининг амалий натижаларидан биридир.

Халқаро семинар икки мамлакат вакилларининг экологик тоза технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш масалаларини муҳофаза қилиш учун самарали майдонга айланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятлари, "Ўзбекнефтгаз" миллий ҳолдинг компанияси ва бошқа идоралар, Латвия томонидан давлат ва тижорат сектори вакиллари иштирок этди. Улар табиий ресурслардан самарали фойдаланиш тажрибасига бағишланган тақдиротларни намойиш қилди.

Мамлакатимизда атмосфера мусоффолигини таъминлаш, ер ва сув ресурслари ҳолатини, замонавий қайта ишлаш усулларини жорий қилиш ҳисобидан чиқиндиларни бошқаришни яхшилашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ҳаётига таътиб этилаётди. Халқаро талабларга мувофиқ мамлакатимиз етакчи саноат корхоналарининг технологик ускуналари изчил модернизация қилинмоқда.

Ўзбекистон ва Латвия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Cleantech Latvia компаниясининг халқаро муносабатлар департаменти директори, Эвиз Пудане. — Муқобил энергия турларини ишлаб чиқариш, оқова сувларни тозалаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш, ҳар қандай тупроққа қўчат экиш ва бошқа йўналишлар шулар жумласидан. Мамлакатларимизнинг ҳамкорликдаги амалий саъй-ҳаракатлари келажак авлод учун экология мусоффолигини сақлаш имконини беришига ишонаман.

Семинарда табиати муҳофаза қилишнинг турли йўналишларида Ўзбекистон — Латвия алоқаларини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида ҳам Латвия делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан "Янги ташкил этилган ва сайланган касаба уюшма қўмиталари раисларига касаба уюшма афзалликлари тўғрисида" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан йилга ортиб бормоқда, бу эса ўз навбатида мазкур корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Шу боис корхона ва ташкилотларда бошланғич ташкилотлар тузиш ва ходимларни касаба уюшмаси хизматида олиш масаласи касаба уюшмаларининг энг устувор фаолият йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Тадбирда сўзга чиққан Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Камолитдин Худайбердиев ва бошқалар пойтахт корхоналарида касаба уюшма ташкилотларини тузиш орқали кичик бизнес субъектлари, савдо корхоналарида норасмий бандликни чеклаш, меҳнаткашларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутиши ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришди. Шунингдек, туманда фаолият юритаётган, аммо касаба уюшма ташкилоти тузилмаган корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини янада қучайтириш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Семинар давомида расмий меҳнатнинг норасмий меҳнатдан афзалликлари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, касаба уюшмаси ташкилотлари қошида ташкил этилган "Ёшлар кенгаши" ва "Хотин-қизлар комиссияси" томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Келгусида эътибор қаратиш лозим бўлган вазифалар тўғрисида келишиб олинди.

Замира РАҲМОНОВА

Миллий матбуот марказида “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг қонунчилик тизими: тўпланган тажриба ва устувор вазифалар” мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Б.Алматов ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида тиббиёт тизимини модернизациялаш, санитария-эпидемиология соҳасини ислоҳ этишга қаратилаётган эътибор соғлом муҳит яратиш ва инсон саломатлигини асрашда юқори самаралар бераётганини таъкидлаб ўтишди.

Республикамизда ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишнинг мустақкам ҳуқуқий ва амалий механизми яратилган. Дунё стандартларига жавоб берадиган санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилиб, унинг моддий-техник базаси йил-

дан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, бу борада қабул қилинган миллий эмлаш тақвими янги вакциналар билан бойитилмоқда.

Ичимлик сувининг сифати устидан мониторинг юритиш, умумий овқатланиш шохобчалари, бозорлар ва жамоат жойларида санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш масалалари доимий эътиборда.

Бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга оширишда 2015 йил 27 августдаги “Аҳолининг са-

нитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дастуруламал бўлмоқда. Ушбу Қонунда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, давлат санитария назорати, фуқароларнинг яшаш муҳити, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни ташкил этишнинг аниқ механизмлари белгиланган.

Бундай мақсадли ишлар натижасида юрти-мизда санитария-эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда. Жумладан, инсон ҳаёти ва соғлиғига жиддий таъсир этадиган турли хил юқумли касалликлар — гепатит В, полиомиелит, дифтерия, қизамиқнинг олдини олишга эришилмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталиқни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари ва бажарилаётган чора-тадбирлар юзасидан маърузалар тингланди. Янги қонунда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга нисбатан меҳр-мурувват руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратилади.

Кексаларни эъзозлаш йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайди. Жумладан, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан “Фарзандлик бурчим” лойиҳаси доирасида “Шўртепа” маҳалласида истиқомат қиладиган ёши улуг отахон ва онахонлар уйига ташриф уюштирилди.

Мазкур тадбир пиру бадавлатларимиз бўлган кексаларимизга ғамхўрлик кўрсатиш, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фаришлари ҳолидан хабар олиш мақсадида амалга оширилди.

Меҳнат фронти фариши Эшмат отанинг уйига борганимизда улар жуда ҳам хурсанд бўлдилар, — дейди “Қамолот” ЁИХ туман Кенгаши фаоли Бунёд Рустамов. — Отахон ҳаёт йўллари ҳақида биз

ёшларга сўзлаб бердилар. Бугунги тинчлик-хотиржамликни кўз қорачиқдек асрашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— “Фарзандлик бурчим” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир меҳна катта таассурот қолдирди. Пиру бадавлат инсонлар билан суҳбатлашиб, улар кўрган қийинчиликларни эшитиб, мен ва тенгдошларимга яратилган шарт-шароит, эътибордан унумли фойдаланиш лозимлигини тушуниб етдим, — дейди Ситора Шоякубова.

Кекса авлод вақилларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Ўз навбатида нурунийлар бундай хайрли ташаббус ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди.

Зарина РУСТАМОВА

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, таниқли шоир ва публицист Муҳаммад Али, истеъдодли адиб Тўлқин Ҳайит иштирокида маънавий-маърифий учрашув ташкил қилинди.

МАКТАБДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Халқимизнинг улуг сиймоларидан бири — буюк соҳибқирон образини яратиш ижодкорларни ҳамиша қизиқтириб келади. Соҳибқирон портретини яратган рассомлар бор. Унинг образи бадиий фильмда жонлантирилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али эса тўрт китобдан иборат “Улуг салтанат” тарихий романини яратиб, нафақат ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшди, балки дунё миқёсида тан олинган буюк шахслардан бирининг образини бадиий тасвир ва бўёқларда акс эттириб, келажақ авлод учун бой маънавий мерос ҳам қолдирди.

Мактаб юқори синф ўқувчилари адибнинг ушбу тарихий асарини қандай яратганини ўз ҳикояси орқали билиб олдилар. Адиб туркум романини яратишда қандай манбаларга таянганлиги,

ўша давр руҳига мос манзараларни тасвирлашнинг ўзига хос машаққатлари ҳақида ҳикоя қилиб берад экан, ўқувчиларда кўплаб саволлар пайдо бўлди. — Мактабимиз кутубхонаси фондида адибнинг ушбу романи бор. Ўқувчиларга уни галмагал ўқиб чиқишни тавсия қилдик. Муаллиф билан учрашув бўлишини эшитган, уларнинг бўлиб ўтажак тадбирга қизиқиши янада ортди. Ука-сингилларимизни шу тарика китобхоналикка ўргатиб борсак, уларнинг маънавий дунёқараши кенгайди, — дейди тадбир ташкилотчиси, мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бобур Мўминов.

Адиблар билан ўтказилган учрашувда мактаб кутубхона фондига “Улуг салтанат” туркум романи тўхфа қилинди.

Хулқар КУЗМЕТОВА



Ушбу олган сурат

Танловлар

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Шаҳримиздаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият марказида Озарбойжон мамлақати ҳақида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши материаллар ва таржималарнинг муаллифларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу танлов Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият маркази ва Ўзбекистон — Озарбойжон дўстлик жамаияти ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда. Уни ўтказишдан асосий мақсад — Озарбойжоннинг иқтисодий, туризм салоҳияти ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

2014 йилда эълон қилинган ушбу танловда иштирокчилар Озарбойжон иқтисодий туризм ва адабиёти йўналишлари

бўйича ўз ишлари билан қатнашдилар.

Ижодкорларнинг танловга топширган ишларини таниқли журналистлар, газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари ҳамда етук фан ва маданият намояндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб беришди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши материаллар муаллифлари диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди. Чунончи, иқтисодий йўналишида Андрей Тешаев ва Римма Собиржоновалар ғолибликни қўлга киритган бўлишса, Озар-

бойжоннинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш номинациясида Шарофатдин Тўлаганов, Сергей Савчук-Қурбанов ҳамда Тўлқин Эшбековларнинг ишлари энг яхши деб топилди. Адабиёт йўналишида иштирок этганлар орасидан Дилбар Турганова ва Хосият Рустамовалар совриндорлар қаторидан жой олишди. Шунингдек, Озарбойжон тилидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар номинациясида Усмон Қўчқор ва Рустам Жабборовлар ғолиблар сифидан ўрин олишди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ

Тадбирлар

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида “Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг тарихий ва амалий аҳамияти” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодматов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайиди ва бошқалар мамлакатимизда миллий ўзликни англаш, аънава ва қадриятларимизни тиклаш, она тилимиз қадр-қимматини ошириш, унинг мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши халқимизнинг бугуни ва келажаги тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Тилимизнинг бойлиги, беназирлиги, чуқур, таҳлилий мушоҳада қилиш имкониятларининг кенглиги унинг дунё тиллари орасида нуфузи юқориликдан далолатдир. Айниқса, маънавий-маърифий ривожланиш, таълим-тарбия жараёнларида сўз ва ибораларнинг юксак таъсирчанлик хусусиятга эга эканлиги тилимизнинг буюк хазина эканини тасдиқлайди.

Она тилимизга кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ беш жыллик ўзбек тилининг изоҳли лугати яратилди. Лотин ёзуви асосидаги имло қоидалари ишлаб чиқилди.

Тадбирда давлат тилини ўрганиш учун фуқароларда барча шароитлар мавжудлиги, айти пайтда мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вақиллари учун ҳам ўз она тилини ривожлантириш учун етарли имкониятлар яратилгани, умумтаълим мактабларида етти тилда таълим берилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, давра суҳбатида ўзбек тилининг қўлланилишида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани, жумладан, кўчалардаги эълонлар, бекат номлари ва реклама воситасига кирмайдиган бошқа турдаги ташқи ёзувлардаги бир қанча имловий хатолар кўзга ташланаётгани ва унинг олдини олиш чоралари ҳурусида қизгин фикрлар билдирилди.

Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан биридир. Шунинг учун ҳам она тилимизни асраб-авайлашда, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишда маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, бошловчилар, суҳандонларнинг масъулиятини янада ошириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири эканлиги қайд этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ
Тошкент минтақавий филиалида танлов савдосига таклиф этади!
Танлов савдосига ТИФ Миллий Банк Тошкент вилоят бўлими томонидан 2015 йил 19 октябрдаги № АШ-11/5188-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Ихтирочилар кўчаси, 1-уйнинг 1 хонадони 1 қаватли турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси — 81 026 977 сўм.**
2. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Ихтирочилар кўчаси, 1-уйнинг 2 хонадони 1 қаватли турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси — 79 204 666 сўм.**

Танлов савдоси 2015 йил 26 ноябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2015 йил 24 ноябрь кўни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 26 ноябрь кўни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2015 йил 1,4,10 декабрь кўнлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 1 декабрдаги савдо учун 27 ноябрь кўни соат 16:00; 4 декабрдаги савдо учун 2 декабрь кўни соат 16:00, 10 декабрдаги савдо учун 7 декабрь кўни соат 16:00 да тўхтатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган закалат пули микдори мулк бошланғич баҳосининг 2 фоиз микдорида белгиланишини билдиради. Мулк учун бошланғич тўлов закалатини инобатга олинган ҳолда мол-мулкнинг 20% микдорида белгиланади. Мулк учун бошланғич тўлов (20%) савдо ғолиби аниқланган кўндан бошлаб 20 календар кўни ичида тўлиқ амалга оширилиши шарт. Қолган тўлови 7 йил давомида ойма-ой бўлиб тўланади. “Koschmas Mulk Savdo Xizmati” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сафбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МҒФ 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz rieltstavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент Ислон университети қошидаги академик лицейнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари ҳамда Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Эълон шартлари ва тақдим қилинадиган зарур ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотни олиш учун 244-83-07, 244-50-76 телефон рақамларига мурожаат қилинг.

Диққат: янгилик

ИЛМИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Биорганик кимё институтида ёш олим Азамат Эшбековнинг илмий изланишлари туфайли янги ихтиро юзига келди.

Маълумки, инсонларнинг саломатлигига, хусусан, асаб ҳамда ошқозон-ичак тизимига фойда келтирувчи пектин моддаси шу пайтгача юртимизга асосан хориждан келтирилган эди. Азамат Эшбековнинг изланишлари туфайли ушбу модда эндиликда ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлди. Асосан мева-

диган пектин инсоннинг асабини тинчлантиришга, ошқозон-ичак тизимига овқатнинг яхши ҳазм бўлишига самарали ёрдам беради. Пектин моддаси озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиб истеъмол қилинади. Ушбу модда қўшиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳам арзонлашади.

(Ўз мухбиримиз)

Спорт янгиликлари



Мухаммад Амин олган сурат

“ЛОКОМОТИВ” ФАРҒОНАДА ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларининг 25-тур ўйинларида Тошкентнинг “Локомотив” ва “Бунёдор” жамоалари сафарда дуранг натижа қайд этиб, муҳим очколардан айрилишди.

Айниқса, айни вақтда чемпионлик учун кураш олиб бораётган темирйўлчиларнинг “Қўқон-1912” майдонидан очко йўқотиб қайтишини кўпчилик футбол мухлислари кутмаган эди. Шу кунги Рустам Абдуллаев шогирдлари икки тўп фарқи билан орда қолаётган бўлса-да, Отабек Хайдаровнинг иккита жавоб тўпи эвазига мувозанатни тиклай олишди. “Локомотив” клубидан эса Темурали Копалдзев ва Санжар Шоахмедов голларга муаллифлик қилди. Эътиборлиси, учрашув якунига етган “Локомотив” бош мураббий таърибли Ва-

дим Абрамов ўз лавозимидан бўшатилди.

“Локомотив”нинг очко йўқотишдан мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпиони унумли фойдаланиб қолди. “Пахтакор” маркази стадионига Жиззахнинг “Сўғдиёна” клубини қабул қилган пахтакорчилар 3:1 ҳисобидаги ишончли ғалабага эришиб, энг яқин таъкибчиси – “Локомотив”дан 4 очкога илгарилар кетди. Турнир аутсайдерлари дарвозасига 10-дақиқада Егор Кривец, кейинчалик 50 ва 58-дақиқаларда Игорь Сергеев икки марта гол уришни удралади. Таъкидлаш

жоиз, Даврон Файзиев бошчилигидаги “Сўғдиёна” учрашувнинг биринчи бўлимида номдор рақибга етарлича қаршилик кўрсата олди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг яна бир жамоаси – “Бунёдор” мамлакат кубоги финали учрашувига кучини тежади чоғи, Самарқанддан дуранг ўйнаб қайтди. “Динамо” қаршичилигини енга олмаган “Калдирғочлар” кичик 1:1 ҳисобидаги натижани кўрсатишди. Ушбу очко йўқотилиши Қаршида “Насаф” жамоасидан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраган “Нефтчи”га мусобақанинг 4-ўрни учун курашиш имкониятини қолдирди.

Мазкур турнирнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: “Андижон” – “Металлург” – 1:0, “Кизилқум” – “Машъан” – 2:3, “Бухоро” – “Шўртан” – 2:2, “Олмалик” – “Навбахор” – 2:1.

Маълумки, жорий йилнинг 4-15 ноябрь кунлари Хитойда футбол бўйича 16 ёшли қизлардан таркиб топган терма жамоалар ўртасида Осиё чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтади.

ИОРДАНИЯЛИКЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛИШАДИ

Ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон қизлар терма жамоаси ҳам иштирок этади. Қизларимиз “В” гуруҳида Хитой, Эрон, Таиланд, Жанубий Корея терма жамоаларига рақиблик қилади.

Ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўришга аҳд қилган Ўзбекистон қизлар терма жамоаси 22-25 октябрда “Жар” стадионида Иордания қизлар терма жамоасига қарши икки марта назорат-ўртоқлик учрашувидан майдонга тушади.

Акбар Йўлдошев

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ ЮТУҚЛАР

Таиланднинг Бангкок шаҳрида дзюдо бўйича Осиё чемпионатида ёшлар терма жамоамиз аъзолари тўртта кумуш ва битта бронза медалларига сазовор бўлишди.

Мусобақанинг илк кунидеяк терма жамоамиз иккита медални қўлга киритди. 60 килограммгача бўлган вазнда татамига тушган Артём Штурбабин финалгача бўлган барча рақибларини мағлуб эта олди. Бироқ ҳал қилувчи беллашувда Хитой Тайпейи вакилига имкониятини бой бериб қўйди. Қизларимиздан Махлиё Маннонова (-57 кг) ҳам олтин медал учун курашда омадсизликка учради. Йигитларимиздан Мусо Собиров (-73 кг) шоҳсупага кўтарилиши мумкин эди, аммо у ҳам муҳим баҳсда мағлубиятга учради.

Худди биринчи кунда бўлгани каби иккинчи кун дастурида ҳам 2 нафар полвонимиз финалга қадар

етиб бориб, ҳал қилувчи беллашувларда имкониятни бой бериб қўйишди.

Бекмурот Олтибоев (-100 кг) ва Ренат Назмитдинов (+100 кг) шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилишди. Йигитларимиздан Илҳом Фармонов (-90 кг) мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди. Шу тарихда терма жамоамиз тўртта кумуш ва битта бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 7-ўринни банд этди. Япониялик полвонлар ўн иккита олтин ва биттадан кумуш ва бронза медалларини жамғарганча катта фарқ билан етакчилиكنи ҳеч кимга беришмади.

Ботир Хўжаев

Мамлакатимизда Табиий офатларнинг хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ҳокимликлари мутахассислари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро таъкилотлар ходимлари учун кўргазма ва семинарлар ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда ташкил этилган фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифатини сезиларли даражада ошириб, миллий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланиши таъкидланди. Бугунги кунда ушбу тизим 40 дан ортиқ турли вазирлик, идора ва таъкилотларни қамраб олган, табиий офат ва ҳалокатларнинг олдини олиш оқибатларига қарши кураш борасида давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларининг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминламоқда.

Жорий йилда ўтказилган 24 қўмондонлик-штаб ўқув машғулотларида 80 мингдан зиёд киши иштирок этди. Айни пайтгача Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида турли даражадаги 6,2 мингдан зиёд раҳбар, аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида 160,9 мингдан зиёд киши фуқаро муҳофазаси бўйича қайта тайёрланди. Зилзила пайтида аҳолини тўғри ҳаракатланишга ўргатишга хизмат қиладиган фильм суратга олинди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қўтқарув хизмати ходимлари фойдаланадиган янги асбоб-ускуналар ва махсус автомобиль техникалари намоийш этилган кўргазма иштирокчилар эътиборини тортди. Қўтқарув хизмати ходимлари янги техникаларнинг афзаллиги ва вазифалари ҳусусида сўзлаб берди. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча қизил-

маларнинг 80 фоизидан ортиги ушбу техникалар билан таъминланган. Кўргазмада намоийш этилган авария-қўтқарув машиналарининг катта қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий MAN ва ISUZU махсус автомобиллариди.

Тадбир иштирокчиларининг Зилзилани симуляция қилиш марказига саёҳати уюштирилди.

— Зилзилани симуляция қилиш мажмуаси менда катта таассурот қолдирди, — дейди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристиа Пиккат. — Бу ерда сейсмология соҳасини ривожлантириш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қимматли маълумотлар ва ўзига хос экспонатлар тўпланган. Бу ердаги зилзила жараёнини ҳосил қиладиган янги тренажёр эса Марказий Осиёда ягонадир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда яратилган фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга доир пухта ўйланган ва яхлит ўқув дастури билан танишдик.

Тадбир иштирокчилари учун замонавий тиббиёт робот-тренажёрдан фойдаланган ҳолда табиий офатлардан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тренинг ташкил этилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Кейинги йилларда ички бозор шаклланиб, миллий бойлигимиз кўпайиб бормоқда. Республика миқёсида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида моддий бойликлар яратиш, маданий турмуш даражасининг ўсишига эътибор кучайтирилади.

“101”

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Шу боисдан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифаси моддий бойликларимизни асраш мақсадида энг аввало содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтиришдан иборат. Ҳар бир ёнғин ўз-ўзидан қиймадли, балки инсонларнинг оқибатлиги, бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги ва болаларнинг назоратсиз қолиб кетиши натижасида содир бўлаётгани сир эмас.

Маълумки, кузги-киши мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳа ходимлари томонидан текширувлар ўтказиб келинади. Асосийси эса ҳар бир фуқаро маҳаллада истиқомат қиладими ёки кўп қаватли уйдими, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиши даркор.

Болаларни назоратсиз қолдирмаслик, сигареталарни тўғри келган жойларга ташлаб қетмаслик, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишини назоратга олиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш катта аҳамиятга эгалигини унутмаслик муҳим. Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш афзал эканлигини ёддан чиқарманг.

Жойларда хизмат қилаётган ўторак ходимлар барча ёнғин ўчириш тармоқлари, ёнғиндан огоҳлантириш ва ёнғин чиқиши билан боғлиқ барча масалаларни ечишга доимо тайёрдирлар.

Дониёр АБАЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Ёнғин
хавфсизлиги олий техника мактаби
“Ёнғин ўчириш техникаси
фанлари” кафедраси
ўқитувчиси, катта лейтенант

Баркамол авлод

САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛБЛАР

Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг эзгу интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ҳен бир байрам болажонларнинг шодон кулгуси, улар ижросидаги жўшун куй-қўшиқларсиз ўтмайди. Жумладан, “Булбулча” болалар ансамбли ҳам 45 йилдан буён мусиқа санъати шинавандаларини ўзининг ранг-баранг дастурлари билан ҳўшнуд этиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов раҳбарлик қилиб келаётган “Булбулча” ансамбли бир неча бор республика ва халқаро танловлар совриндори бўлган.

Ансамблнинг уч ёш тоифасидаги гуруҳлари иштирокчилари миллий ва эстрада куй-қўшиқлари, рақсларини ижро этиб келмоқда.

Бундай муваффақиятларга ўз касбининг фойдoyalлари бўлган ахил педагоглар жамоасининг самарали меҳнати туфайли эришилаётди. Уларнинг ақсарияти давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. Улардан бири II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, хормейстер Дилдо-

ра Наиповадир. Ансамблга Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқиб юрган кезларидеяк келган Д.Наипова ёш авлодга мусиқа санъати сирларини ўргатиб келаётганига 20 йилдан ошди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан таълимни ривожлантириш, педагог ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига Д.Наипова. — Бу баркамол авлод тарбияси йўлидаги биз, педагогларнинг масъулиятини янада оширмоқда. Ушбу юксак мукофот жамоамиз меҳнатига берилган баҳодир. Бу бизни янада самарали ишлашга ундайди.

Иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялаётган маҳоратли устозларнинг жонқурлиги ва самарали меҳнати туфайли мусиқа ва санъат ансамблнинг барча иштирокчилари ҳаётининг мазмунига айланимоқда. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги устозлари изидан бориб, бугунги кунда мусиқа ва умумтаълим муассасаларида меҳнат қилмоқда.

И.ДОЛЕНКО

“Камолот”

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ БОЙИТИЛДИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан талаба-ёшларга сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида уларнинг Жиноят ишлари бўйича Олмazor тумани судига ташрифи уюштирилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига ҳурмат ҳиссини камол топтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшлар ҳаётига оид қонуний-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг бево-сита иштирокчини таъминлашдан иборатдир.

Туман судида уюштирилган давра суҳбатиди суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар доирасида жиноий соҳадаги суд ишларини юритишда адолат ва инсонпарварлик принципларини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор чора-тадбирлар қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилади, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшаков. — Ташкил этилган учрашув ёшларни мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ҳамда ижтимоий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқий билимларини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутди. Тадбир давомида талаба-ёшларнинг суд жараёни билан ҳам яқиндан танишишлари келажакда қилиниши мумкин бўлган ҳатоларга йўл қўймасликларига замин яратди.

Суҳбат жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонун ҳимоясида эканлиги ва бунда суд ҳокимиятининг роли, судга қадар бўлган босқичда суд назорати ҳамда амнияти ақтини қўллашда суд тартибининг ўрнатилиши, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича савол-жавоблар ўтказилди.

Давра суҳбатидан сўнг талаба-ёшлар жиноят ишлари бўйича Олмazor туман суди ва судьяларнинг фаолияти билан таништирилди. Ёшлар ўзлари қизикқан масалалар бўйича бир қанча маълумотларга эга бўлишди.

Талаба-ёшларнинг саволларига жиноят ишлари бўйича Олмazor туман суди судьялари Ҳамро Бердиқичиев ва Мусо Юсуповлар тўлиқ жавоб беришди.

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Болажон” боғида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Яшнoбoд туман Кенгаши томонидан “Камалак” болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиш маросими ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги 29 та умумтаълим мактабларидан 10-14 ёшдаги ўқувчилар, мактабларнинг бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди. Болалар “Мен “Камалак” аъзосиман!” шиори остида қасамд қабул қилдилар. Тадбир давомида фаол ва иқтидорли ўқувчилар янги аъзоларни таъкирлаб ўтишди.

— “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам суянчи, ҳам таянчи бўлган “Камалак” болалар ташкилоти 2001 йил 23 майда ташкил топган, — дейди “Камолот” ЁИХ туман Кенгашининг бош мутахассиси, “Камалак” болалар ташкилоти раиси Феруза Шомидинова. — Шу кундан бошлаб минглаб 10 ёшга тўлган болажонлар ташкилотнинг юксалиши ва раванқ топиши йўлида чуқур билим олишга, Ватан ва ота-онага муҳаббат, катталар ва кичикларни ҳурмат қилишга интилиб, юрт тараққиёти учун ҳиссаларини қўшиб келади.

Кўтаринки кайфиятда қасамд қабул қилган “Камалак” аъзолари “Камалак”нинг етти жилоси” деб номланган бекатларда фаол иштирок этдилар. “Камалак”нинг спорт майдончаси, “Камолот” кутубхонаси, “Моҳир қўллар”, “Ёш мусаввир” ва бошқа бекатлар болажонларга манзур бўлди.

— “Камалак” аъзосига айланганимдан беҳад хурсандман, — дейди 61-умумтаълим мактаби ўқувчиси Севинч Жовлиева. — Келажакда мен ҳам “Камолот”да фаолликларини намоён этаётган ака, опаларимга ўхшаб иқтидорли истеъдодим билан юртимиз раванқига ҳисса қўшаман. Санъатга бўлган меҳрим қучилиши сабаб “Кўзумчоқ” ашула ва рақс дастасининг аъзосиман. Мазкур боғда ташкил этилган “Камалак” мўъжизалари” бекати менга манзур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА



Тошкент шаҳрида 23 октябр кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнғинхавфсизлик бўлмайд. Кечаси ва эртаб туман тушиб муҳим. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илқ

ва 2 даража совуқ бўлиши мумкин, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02:1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 1055

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ